O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУНГИ СОНДА:

**ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ёшлар ўртасида ОИТС/ОИБнинг профилактикаси дастурини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.



2

**ЭНЕРГЕТИКА ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИДА**

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишида энергетика соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан мазкур тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилаётир...



3

**МУҚАДДАС ДАРГОҲ**

Ўзбекистонда муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли ҳар бир йилни ўзига хос равишда номлаш анъанага айланди.



4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

№ 24 (727) 2009 йил, 15 май, жума

O'zbekiston «ADOLAT» sotsial-demokratik partiyasi

Ижтимоий-сиёсий газета adolat_gazeta@mail.ru 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз ҳаётига доир бир нечта муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.**

Парламентда









# МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Дастлаб депутатлар ялпи мажлис муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши назарда тутилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Алия Юнусованинг маърузаси тингланди.

2008 йилнинг 4 апрелида мамлакатимизда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) "Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида"ги (1976 йил 26 июнь, Женева) 138-сонли Конвенцияси ратификация қилинган эди. Конвенциянинг 2-моддасида ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш умуммажбурий таълимни тугатган пайтдаги ёшдан паст ва ҳар қандай ҳолатда 15 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизга айрим ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенция ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари, хусусан, мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда болаларнинг таълим олишига халақит берадиган ишлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳисобга олинганлиги таъкидланди.

— Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида халқаро тажрибалар ҳам ўрганилди, — деди Алия Юнусова ўз маърузасида. — Дунёнинг 150 мамлакатининг 66 тасида ишга қабул қилишда энг кичик ёш 15, 48 тасида 14 ва 36 тасида 16 ёшдан белгиланган. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнлар халқаро сиёсатга ҳамоҳанг эканлигидан далолат беради.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилиш асносида, таклиф ва тавсиялар беришди, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ҳақиқатдан ҳам ушбу қонун лойиҳаси болаларни жамиятдаги рақобатга бемалол кириша оладиган, билимли, соғлом авлод бўлиб вояга етишлари учун шароит яратади, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Меҳнат ҳуқуқи ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ўзгартишлар киритилиши натижасида миллий қонунчилигимиз халқаро меҳнат ҳуқуқи стандартлари ва таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилади. Бу эса таълим тизимини ислоҳ қилишда норматив ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда умуминсоний қадриятлар, бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга доир давлат сиёсатининг амалга оширилиши БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияси қўядиган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига хизмат қилади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов ўз сўзида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланиш жараёнида биринчи ўқиш муҳокамасида фракциялар томонидан билдирилган таклифлар, тавсиялар инобатга олинганлигини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан киритилган таклифлар меъёрий ҳужжатнинг такомиллаштирилишига хизмат қилганлиги айтиб ўтилди.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш асносида депутатлар унинг янада мукаммаллашувига хизмат қиладиган ўз таклиф-тавсияларини беришди ва концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**
**Носир ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

# 7 кун нафаси

### ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Ўтган ҳафта Фарғона аэропортига яна бир халқаро рейс — Россиянинг "Атлант — Союз" авиакомпаниясига қарашли самолёт келиб қўнди. Мазкур рейс "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва Россия Федерациясининг "Росавиа" давлат корхонаси ўртасидаги келишувга кўра ҳар ҳафтанинг душанба куни Фарғонадан Москвага (кечки рейс) йўл олади.

Таъкидлаш керак, истиқлол йиллари Фарғона Россиянинг яна бир қатор шаҳарлари, ҳамдўстлик мамлакатлари, Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги каби давлатлар билан чартер рейслари орқали ҳам боғланган.

### МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Тошкентда гидротехника иншоотлари фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган тўрт кунлик минтақавий ўқув семинари бўлиб ўтди.

Юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилган ўқув дастури долзарб масалаларни қамраб олди. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларидаги гидротехника иншоотлари ва йирик сув омборлари хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини яратиш, мавжуд объектларнинг бехатар ишлашини таъминлаш, янгиларини оқилона ҳамда баҳамжиҳат бунёд этиш, уларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишда хавфсизлик тамойиллари махсус экспертизадан ўтказиш каби жараёнлар тадбир иштирокчилари диққат марказида бўлди.

### ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бир ҳафталик "Талабалар баҳори — 2200" фестивали бошланди.

"Камолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети жамоалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда уч минг нафардан зиёд талаба иштирок этмоқда.

▽ Муносабат

# ЎЗИНГ УЧУНГИНА ЭМАС

*қўшинг учун ҳам ён, куйин, омонлик соғин доим...*

Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган кезлари телевизор олдидан жилмай, пойтахтимиздаги Хотира майдонидан тўғридан-тўғри олиб берилган репортажни диққат билан кўрдим. Юртбошимизнинг сўзларини, мухбирларга берган интервьюсини — ҳаммасини жон қулоғим билан тингладим. Айниқса, тинчлик, осойишталик, қўшни давлатлар билан ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатли дўстона алоқалар ҳозирги кунда нечоғли қадрли эканлиги ҳақидаги гаплари қўлимга қалам тутқазди.

(Давоми 2-бетда.)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг юртимизга давлат ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди. Ташриф давомида давлатлараро миқёсда кўплаб ўзаро манфаатли келишувлар — икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми давомида инфратузилмани ривожлантириш, транспорт соҳасида ҳамкорлик, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш ва бошқа қатор келишувларга эришилгани фикримиз далилидир.**

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



«Showprint» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси босма нашрлар учун офсет пластиналари ишлаб чиқаради.

Корея Республикаси 1991 йилнинг 30 декабрида Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчилардан бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олган. Икки давлат ўртасида 1992 йил январда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

# ЮРТИМИЗДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ

### жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ижтимоий-сиёсий ларзаларини даф этишга тўла имкон беради

Иқтисодчилар ҳозирги замон иқтисодиётининг глобал ҳусусиятини — катта ва кичик миллий иқтисодиётлар мажмуи деб таърифлашади. Улар ҳар доим ҳам ижобий, салбий ташқи таъсирларга учраб туради. Бу, табиий.

Шу нуқтаи-назардан бўлса керак, ғарб мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз юз берган ҳолларда дарҳол инсон тақдири билан боғлиқ ижтимоий тадбирлар учун харажатларни камайтириш ва иш ўринларини қисқартиришга тушадилар. Бизда эса Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурига қатъий амал қилингани туфайли ижтимоий соҳаларга берилаётган алоҳида эътибор тобора кучайтирилмоқда. Инқироз қаноти қатор ривожланган давлатларга соя ташлаб улгурган бир пайтда мамлакатимизнинг 2009 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар миқдори камайтирилмасдан, аксинча, ошириб — 56,5 фоиз белгилангани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қуйидаги рақамга эътибор беринг: ижтимоий соҳага бевосита хизмат қилувчи асосий эҳтиёжий воситалардан бири — истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 12,5 фоизни ташкил этди. Бу — юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилгани, корхоналарда ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар кенг жорий этилиб, модернизацияга катта эътибор берилаётгани натижасидир.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётида сўнгги икки йил мобайнида илдам суръатларда ўсиш юз бермоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётни юқори даражадаги инвестицион фаолликка олиб келди. Агар 2000 йилда инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати ойига 0,8 фоиз бўлган бўлса, 2006 йилда у 9,1 фоизни ташкил этди. 2007 йилда мамлакат иқтисодиётига 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, 2008 йилда у 6,4 миллиард долларга етди. Бундай ўсиш суръатлари шубҳасиз, бугунги кунда Инқирозга қарши чоралар дастури билан бирга мамлакатимизни муайян даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари ва Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Бугун – Халқаро оила куни

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

**Ислом КАРИМОВ**



# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган ялпи йиғилишида 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинди. Бу қарорни қабул қилишдан мақсад барча тараққийпарвар инсоният диққатини одам ўз умрини ўтказадиган, ўз орзу-умидлари, бахту саодатини ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан – оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдир.

Оила муаммоларига бағишланган биринчи илмий экспедиция 1889 йилда бошланган эди. Маълумки, ҳар бир оилада ўзига хос дунё, муносабатлар шаклланган. Унинг ўз анъаналари, қадриятлари мавжуд. Илмий натижаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, орадан юз йил ўтгач, оила масалалари яна долзарб тус олди. БМТ 1994 йилни "Халқаро оила йили" деб эълон қилди. Бу ташаббус доирасида ўтказилган барча тадбирлар оиланинг давлат ва жамият ғамхўрлигига муҳтож эканлигини исботлади.

Ўзбекистонда ҳам муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли ҳар бир йилни ўзига хос равишда номлаш анъанага айланди. Бунинг замирида эса, асл маънода оилани, онани, фарзандни ва қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи, бир сўз билан айтганда, фуқаролар манфаати ётибди. Ўтган йилларнинг "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили" деб номлангани фикримизни тасдиқлайди.

Барчамиз яхши эслаймиз: Президентимиз ташаббуси билан 1998 йил – "Оила йили" деб эълон қилинган эди. Шу йили республика "Оила" илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари ҳам ташкил этилди. Мазкур марказ жамиятда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширди.

Жамиятимизда йигит-қизларни оилавий ҳаётга пухта тайёрлаш, ёш оилаларни ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада Республика "Оила" илмий-амалий маркази "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда "Оила – маҳалла – мактаб" концепцияси доирасида пойтахтдаги барча мактабларда 6-синф ўқувчи қизларининг оналари учун "Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оналар саводхонлигини ошириш" мавзуида семинарлар ўтказди.

Халқаро оила куни муносабати билан марказнинг илмий ходимлари анъанага кўра, республикамизнинг турли ташкилот ва идораларида кенг қамровли тадбирлар ҳам ўтказмоқда. Хусусан, талаба ва ўқувчилар учун очиқ дарслар, маҳаллаларда давра суҳбатлари, учрашувлар, тадбиркор оилалар кўргазмаси, 100 ёш билан юзлашганлар хонадонига ташрифлар, оилавий спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида айтганда, оила – муқаддас даргоҳ. Унинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада ошириш муқаддас бурчимиздир.

**Юлдуз САИДОВА,**
**"Оила" илмий-амалий марказининг етакчи мутахассиси.**

## Мулоҳаза

# "ЎРГИМЧАК ТЎРИ"

Ҳозирги глобаллашув бораётган бир даврда ахборотлаштириш жараёнлари ҳам жадал суръатлар билан ёшлар орасига кириб келмоқда. Кундан кунга техника воситаларининг такомиллашиб бораётганини, айниқса, мобил телефонлари ва компьютерлар мисолида кўрамиз. Яратилаётган техник кашфиётларни кузатган ҳолда XXI асрнинг "техника асри" деб айтилиши ҳам бежиз эмас.



Интернет орқали биз дунёнинг исталган жойидан маълумот олиш, чет давлатлардан дўстлар топиш, улар билан тўғридан-тўғри, кўриб турган ҳолатда суҳбатлашишимиз мумкин. Демак, интернет ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бундан ташқари, интернет тизимининг иштироки ҳар бир соҳа ва жабҳада катта аҳамиятга эга.

Ёшларнинг интернетга бўлган қизиқишларига тўхталадиган бўлсак, яқин йиллар ичида ундан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ортди. Тизимнинг қулайлиги дунё воқеа, ҳодиса, янгиликларидан хабардор бўлиш, фикр кенглигини ошириш, ўрганиш, англаш ҳамда олддаги чигалликларни ечишда муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, у илмга қизиқувчан, изланувчан ёшларни янги кашфиётлар яратиш, янгиликлар қилиш, европа маданиятидан хабардор бўлиш, ҳатто хориждаги таниқли ва машҳур олийгоҳларда таҳсил олиш имконини берувчи маълумотларни тўплаш, улар билан боғланиш имконини беради. Аммо бу мўъжизадан нотўғри фойдаланиш, ёйинки, фойдалана билмасликнинг салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Бу ёшларни бамисоли ўзига "ўргимчак тўри"дек ўраб олиб, маҳлиё этиб қўймоқда. Тўғри, интернет тизими самарали фаолият юритиб келаётган механизмлардан бири эканлигига шубҳа йўқ. Лекин шуни эсдан чиқармаслик лозимки, бу тизимнинг зарарли оқибатлари ҳам мажуд. Бу, энг аввало, ёшларнинг фикрлаш қобилиятини сусайтириб, лоқайдлик ва дангасаликка ўргатиб қўяди. Ундан тинимсиз фойдаланувчилар ўзига керакли маълумотларни сайтлардан кўр-кўрона кўчириб оладилар. Бунинг оқибатида кўпчилик ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши сўниб бормоқда.

Интернетдан тинимсиз фойдаланувчиларнинг кўз ва тана аъзолари толиқади, инсон организмидаги қон айланиш механизмлари бузилади. Шуни инобатга олиб, интернет қонун-қоидаларига амал қилган маъқул.

Яна бир гап: бугунги ёшлар – тенгдошларим, ўсиб келаётган ёш авлод компьютер технологияларидан тўғри фойдаланган ҳолда, кўп вақтларини "чат" олдида ўтириб, ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларга вақт йўқотиш ўрнига китоб, газета, журнал, оммавий ахборот воситалари билан фикр, билим ва тафаккурларини кенгайтирсалар, юртимизнинг ёруғ келажаги ва тараққиётининг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилган бўлур эди.

**Жамшид ҲАМРАЕВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

## Хабарлар

### ҲАВАСКОРЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, бастакорлар уюшмаси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Дамли созлар" ҳаваскор оркестрлар республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги мусиқа, санъат ва маданият коллежлари, маданият уйлари ва саройларида фаолият кўрсатаётган 18 та ижодий жамоа иштирок этди.

### "КИЧИК ЮЛДУЗЛАР" КОНЦЕРТИ

Республика қўғирчоқ театрида иқтидорли болажонларни кашф этиш, уларни рағбатлантириш мақсадида "Шарқ аёли" халқаро жамоатчилик маркази, "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамғармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида хайрия концерти ташкил этилди.

Унга пойтахтдаги олтита меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилиб, хайрия концерти ўзига хос кичик юлдузлар шоусига айланди. Бир қатор болалар ижодий жамоалари ва рақс студияларининг чиқишлари ёш томошабинларга кўтаринки кайфият бахш этди. Шунингдек, тадбир доирасида "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси қошидаги Болалар ижодий маркази аъзоларининг расмлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ.**

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ НАМУНАСИ

Ўтган йили 11 июлдан кучга кирган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги "Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ирода Мухаммедхўжаева бошқараётган Тошкент шаҳар Бош тиббий меҳнат эксперт комиссиялари жамоаси муҳим ишларни амалга оширмоқда.

– Олий тоифали шифокорларимиз Умида Асқарова, Малика Асадова, Меҳрибон Абидовалар билан биргаликда эл соғлигини муҳофаза этишдек муҳим ишга камарбаста бўлаяпмиз, – дейди Бош ТМЭК таркиб раиси Саидаҳрор Саидвалиев. – Ногиронларга қаратилаётган эътибор ижтимоий адолат ифодасига айланаяпти.

Бу ердаги Нодира Солиҳова бошқараётган Тошкент шаҳар 4-ихтисослаштирилган кардиологик тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг аъзолари, олий тоифали шифокорлар Севара Саипова ва Сағдат Кушова, катта ҳамшира Манзура Матқобилова, ҳамшира Шоиста Дадахўжаеваларнинг меҳнатидан ҳам кўпчилик ногиронлар миннатдор бўлишаяпти.

– Биз, аввало, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, хасталикнинг олдини олишга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди комиссия раиси Нодира Солиҳова. – Меҳнат қобилиятини йўқотганларнинг касаллик даражасига қараб, ногиронлик гуруҳларини белгилаяпмиз. Уларнинг хаста кўнгилларига малҳам бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури" ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Эл соғлигини юрт бойлигига айлантираётган бу очиқ кўнгил, тажрибали шифокорлар нафақат ўзларининг кўрсатаётган хизматлари, балки амалий маслаҳатлари, ширин сўзлари билан ҳам хаста кўнгилларга малҳам бўлишмоқда.

**Рустам ДОСТОН,**
**«Adolat» мухбири.**





Суратларда: жамоа фаолиятидан лавҳалар.
Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

## Лавҳа

# СЎҚМОҚ

Шаҳарчанинг таъмир кўрмаган эски кўчаларидан бири. Икки кун илгари ёғиб ўтган ёмғир қалин тўпроқни бўтанага айлантирган. Кўча четида ғишт, бетон парчалари, каттароқ тошларни тизиб, бир киши юра оладиган ингичка сўқмоқча қилинган.

Шу йўлдан қомати букчайган, ёноқлари ғайритабиий бўртиб чиққан чол ҳасса таяниб келаётганди. У ҳар қадам қўйганда, кўксига тушиб турган соқоли ҳам қадамига монанд тебранарди. Чол оғзини очган ҳолда сўниқ кўзлари билан атрофга лоқайд қараб борарди.

Муюлишда йигирма беш ёшларга кирган йигит кўринди. Унинг енгил қадам ташлашидан шошилаётганлиги атрофга аланглаб нигоҳ ташлаши ҳамда илдамроқ қадам босаётганлигидан ёшликнинг бебош кучи ва ғайрати балқиб турар эди.

Йигит тезда чолга етиб:

– Ассалому алайкум! – деди баланд овозда. Чол унинг саломини ё эшитмади, ёки эшитишни истамади ва унга эътибор бермай, "сўқмоқ" бўйлаб имиллаб юришини давом этарди.

Чолнинг йўл бермаганидан ғашиққан йигит унинг қарилигини ҳурмат қилиб, индамасдан бораверди.

Йигит бетоқат бўлиб, соатига қаради. Балки суйгани билан учрашишга келишгандир?.. Нима бўлганда ҳам йигитнинг ошиқаётгани сезилиб турарди.

"Сўқмоқ" тор, имиллаб бораётган чолни айланиб ўтадиган бўлса, қопқора қилиб мойланган туфлиси булғанади. У эса...

Йигит чолнинг букчайган елкаларига қараб:

– Иҳим! Иҳим! – дея қаттиқ-қаттиқ йўталди. У йўл берар деган умидда эди. Чол эса унинг на йўталига эътибор берди, на йўл берди, на қадамини тезлатди.

Йигит яна билагидаги соатга бетоқат қаради ва сабр косаси тўлдими, чолни айланиб ўтишга қарор қилди. У бўтана қалин эмас деб ўйлаган жойга оёқ қўйди. Оёғи тойиб йиқилаёзди ва ўзини ўнглаш учун шошилиб чап оёғини ҳам бўтанага қўйишга мажбур бўлди. Бирдан сирпаниш натижасида ўзининг ҳам, чолнинг ҳам устига лойқа сачратди. Йигит жаҳл билан лой оралаб сўқмоққа чиқиб олдида, булғанган туфлиси, шимига қараб, ғудраниб сўкинди.

Аччиқ аралаш чолга қараган эди, унинг тўхтаб, йигит лойқа сачратган кийимларини кўздан кўчираётганини кўрди ва бир зумгина бўлса-да, чолга ачиниб қўйди. Лекин ўзининг булғанган пойабзали ва шимига қараб олгач:

– Ўзи айбдор! – деган хаёлга борди. – Қари бўлса... Нима қилади йўлни тўсиб?!

**Чорихон ҚОСИМОВ.**

## БУ ЖУДА ҚИЗИҚ!

### Ғаройиб васиятномалар

**Энг машҳур васиятнома** Альфред Нобелга тегишли. Аммо шу ҳужжат сабаб Нобелнинг қариндошлари қирпичоқ бўлишган. Нега дейсизми? Чунки, олим ўз яқинларига атиги ярим миллион кронни мерос қилиб қолдирган. Қолган 30 миллион эса машҳур Нобель мукофотини таъсис этиш учун сарфланган.

**Энг фойдали васиятнома** Уильям Шекспир қаламига мансуб экан. Унда ёзилишча, ёзувчи борбудини, уйидаги жиҳозидан тортиб, кийиму пойабзалигача, қайси нарса кимга берилиши ҳақида эринмасдан санаб ёзган. Васиятноманинг фойдали томони шундаки, у машҳур ёзувчи Уильям Шекспир ҳақиқатан ҳам яшаб ўтганидан далолат берувчи ягона ҳужжат ҳисобланади.

**Энг қисқа васиятнома** эгаси лондонлик банкир ҳисобланади. Ҳужжат фақатгина уч сўздан иборат бўлган: "Мен касодга учрадим".

**Энг узун васиятнома**ни Америка Қўшма Штатларига асос солганлардан бири Томас Жефферсон ёзиб қолдирган. Ҳужжатда мол-мулк тақсимоти тўғрисидаги буйруқлар Америка тарихига доир фикр-мулоҳазалар билан чалкашиб кетган. Жефферсон васиятномасига мувофиқ фақатгина барча қулларни озодликка чиқарган меросхўр ўзига тегишли мулк қисмига эга бўлган.

**Энг тушунарсиз васиятнома** машҳур физик олим Нильс Борнинг лобаранти томонидан тузилган. Ҳужжатда махсус атамалар, мураккаб фразалогик жумлалар шунчалик кўплигидан уни ўқиб эшиттириш ва изоҳ бериш учун эксперт лингвистларни чақиришга мажбур бўлишган.

**Бахт ДИЁР тайёрлади.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман, якка тартибдаги тадбиркор Саъдуллаев Неъмат Нарзуллаевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 284-мактаб томонидан 2006 йилда Мухамеджанов Хусниддин Шокирович номига берилган №2286930 рақамли шаҳодатнома йўқолганлги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтўра ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100
Навбатчи муҳаррир – Муродулла ҒАФУРОВ
Навбатчи – Носир ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи-дастурчи – Вобур ТУРДАЛИ ўғли

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 400. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 5066. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 18.30 1 2 3 4 5 6 7 8